Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 31-yanvar, shanba, № 16 (3521)

Амалга оширган буюк ишларимиз, эришган ютуқларимиз — ўзимизники, уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Ислом КАРИМОВ

## КОРХОНА ИШЧИЛАРИ — ЁШЛАР





Андижон вилоятидаги "UzDong YangCo" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга ички қоплама деталлари етказиб беради.

Бу ерда тайёрланаётган 450 дан ортиқ турдаги бутловчи қисмларнинг маълум қисми мамлакатимиз ва хориждаги автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи сервис ҳамда савдо фирмаларига етказиб берилмоқда. Корхонада меҳнат қилаётган мингдан зиёд ишчининг асосий қисми ёшлардир.

*Суратларда: тикувчилик цехи ишчиси Шаҳноза Тожиддинова; муҳандис Элёрбек Ҳотамов, оператор Муҳаммаджон Мадаминов ва Жаҳонгир Жиянов.*

**ЎзА фотомухбири Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлари**

*Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишидаги Давлат дастурларини ҳаётга самарали татбиқ этишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Бандликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда ижтимоий шерикликнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.*

▽ Давра суҳбати

## БАНДЛИК ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), қатор вазирликлар ва давлат қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Тошкент давлат юридик университети ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Тадбирни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу Қонуннинг қабул қилингани фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Давра суҳбатида ҳам мазкур Қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилганлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари 8000 дан зиёдни ташкил этади. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фуқаролик онги ва жамият маънавиятининг юксалиб боришини таъминламоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётгани "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Эътиборли томони, юқорида қайд этилган қонунда ижтимоий шерикликнинг мақсади, тамойиллари, соҳалари ва шакллари, шунингдек, субъектлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Ижтимоий шерикликни амалга ошириш механизми сифатида ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари, ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари мақоми мустаҳкамланди. Бундан ташқари, Қонунда ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг моддий, мулкий, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий шакллари белгиланган. Жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш, давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш турлари қайд этилган.

Мамлакатимизда давлат ва касаба уюшмаларининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда махсус қонунлар билан тартибга солинган бўлсада, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун доирасида касаба уюшмаларининг зиммасига аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, ёшларга оид сиёсат йўналишларида ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида давлатга яқиндан кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Шу нуқта назардан, бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мазкур устувор вазифаларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Бу борадаги ишларнинг амалдаги ижросини Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув мисолида кўриш мумкин.

Мазкур ҳужжатда давлат, иш берувчилар ва ходимлар манфаати уйғунлиги, уларнинг ижтимоий масъулияти ўз ифодасини топган. Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туришда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойиллари амалга оширилиши акс этган. Ҳозирда касаба уюшмалари Бош келишувга мувофиқ давлат ва иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, улар даромадлари ва турмуш даражаси, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги, ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишларида тизимли ишларни олиб бормоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси кучайтирилиб, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлардан ташқари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилаётир.

●○●●▸2

▽ Бунёдкорлик

**Мустақиллик йилларида янада чирой очган Қува туманида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари йил сайин авж олмоқда. Туманда намунали типдаги янги тураржой бинолари фойдаланишга топширилиб, қишлоқлар кўркига кўрк қўшмоқда.**

## НАМУНАЛИ УЙЛАР КЎПАЯДИ

*Ҳукуматимизнинг қишлоқ жойларда намунали типдаги уй-жойлар қуриш тўғрисидаги қароридан сўнг ўтган йиллар мобайнида туманда 193 та уй қурилиб фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йили "Пахтаобод" ва "Гўзал" қишлоқларида 30 та уй тўйлари нишонланди.*

*Бунинг учун "Қишлоқ қурилиш банк" Қува филиали томонидан жами 2 млрд. 883 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.*

*— Жорий йил ҳам туманимиздаги 3 та аҳоли пунктида 35 та янги намунали типдаги уй-жойлар қуриш режалаштирилган, — дейди банк бош мутахассиси Отабек Аширалиев. — Бу уй-жойлар учун 4 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилади. Ҳозирда дастлабки тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.*

*Бу йил туманнинг "Қалинпўстин" маҳалласида 17 та, Зиндонтепа ҳамда Суфи қишлоқларида 9 та намунали типдаги уй қурилади. Ушбу қурилаётган уйларни олиш учун фуқаролардан аризалар келиб тушмоқда.*

**Абдулҳай ЮНУСОВ, "Ishonch" мухбири**

▽ Сайлов – 2015

***Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари, шунингдек, ҳудудий матбуот марказлари раҳбарлари учун ташкил этилган семинар-тренинг бошланди.***

***Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов ҳуқуқи бўйича миллий экспертлар, сиёсий партиялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этмоқда.***

## САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Семинарда округ сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва унинг амалиётда қўлланилиши тўғрисида хабардорлик даражаси янада оширилмоқда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг турли жиҳатлари, округ сайлов комиссияларининг бу борадаги долзарб вазифалари муҳокама қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз йилнинг муҳим сиёсий воқеаси — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турганини таъкидлади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини очиқ ва адолатли сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сайловларда инсонларнинг фикрлари хилма-хиллиги, орзу-умидлари намоён бўлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчил амалга оширилган ислоҳотлар самарасида демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

Сайлов комиссияларининг мустақиллиги мамлакатимиз сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Бу эса сайловларнинг қонун талабларига мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Икки кунлик семинар-тренингда миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари масалалари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқлиги ва ошкоралиги, кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни, шунингдек, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бошқа жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланади.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази фаолияти билан ҳам танишади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЭЪТИБОР — ЮКСАК МАРРАЛАРГА УНДАЙДИ



"Истиқлол" санъат саройида "Йил қўшиғи — 2014" лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида илк бор ўтказилаётган тадбирга маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, жамоатчилик вакиллари, устоз-мураббийлар, ёшлар таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёшлар тарбиясини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Бугунги глобаллашув шароитида замонавий эстрада санъатини миллий қадриятларимиз асосида ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Бу, айниқса, санъат олами вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

2014 йилда мазкур лойиҳага "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва теле-радиоканаллар томонидан тақдим этилган юздан ортиқ қўшиқ орасидан йигирматаси саралаб олинди. Етук мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан мазкур қўшиқлар куй, сўз ва ижро маҳорати бўйича баҳоланди.

Юртимизда мунтазам ўтказилаётган мусиқа ва санъат фестиваллари, танловлар, ижодий лойиҳалар истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни янги ижодий парвозлар сари ундаш, санъатимизни равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасида кўплаб иқтидорли ёшлар нуфузли халқаро мусиқа танловларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

"Йил қўшиғи — 2014" лойиҳасини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришдир. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора кучайиб бораётган «оммавий маданият», миллий менталитетимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ёшларни асраш, уларни атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқоди бутун, баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан иборат.

— Юртимизда маданият ва санъат аҳлига кўрсатилаётган эътибор, биз, ижодкорларни Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳи билан йўғрилган бадиий жиҳатдан пухта ва мазмунан теран асарлар яратишга руҳлантирмоқда, — дейди «Йил қўшиғи — 2014» лойиҳаси ғолиби, хонанда Улуғбек Раҳматуллаев. — Ушбу танлов миллий мусиқа санъатимизни изчил ривожлантириш билан бирга шоир, бастакор, хонанда ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Ғолибларга диплом ва статуэткалар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**ЎзА фотомухбири**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат**

# БАНДЛИК ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА



***Азизбек АБДУҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири:***

— Бугунги кунда меҳнат органлари ижтимоий шерикликлар — нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳудудларда корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фуқароларнинг ихтисослашувига мувофиқ иш билан таъминлаш масаласига эътибор қаратмоқда. Натижада, аниқ дастурлар белгиланиб, қатор масалаларни ўз вақтида ҳал этишда самара бераётир.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий шериклик асосида Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ ижобий натижаларга эришиляпти.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Жорий йилдан кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов миқдорининг 25 фоиздан 15 фоизга камайтирилгани тадбиркорлик субъектларининг жадал ривожланиши, янги иш ўринлари яратилишига имкониятлар яратди. Бугун ижтимоий шерикларимиз билан турли соҳа ходимлари, шу жумладан, тадбиркорларни мазкур йўналишларда мавжуд ҳуқуқий механизмлар, имкониятлардан хабардор этиш, уларга бу борадаги янгиликларни етказиш йўналишидаги ишларни кучайтиришимиз зарур. Айниқса, фуқаролар ўртасида кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилиш жараёнида меҳнат шартномасини тузишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бу орқали ходимларнинг турли ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлар, нафақалар олиш ҳуқуқларининг таъминланиши, пенсия ёшига етганида муаммоларнинг юзага келмаслиги тўғрисида тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим.

Бугунги кунда вилоят, туман ҳокимликлари қошида вазирликнинг янги иш ўринлари яратиш ва касаначиликни ривожлантириш бўйича иккита комиссияси фаолият юритмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, ривожлантириш зарур. Бунда, албатта, ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, юқорида келтирилган комиссиялар ишини мувофиқлаштириш мақсадида касаба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришимиз, ижтимоий шериклик имкониятларини кенгайтиришимиз талаб этилади.



***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Натижада, жамоа шартномалари ходимлар даромадларини оширишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Айниқса, мазкур локал ҳужжатларда ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларига киритилган имтиёзлар натижасида бугунги кунда ишловчи аёллар қўшимча таътиллар олиш, иш берувчилар ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш таътилларини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши таътилида бўлган оналар эса моддий ва манзилли ёрдам олиш каби имкониятлардан фойдаланмоқда. Касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ва битирувчилари амалиёт даврида меҳнат қонунчилиги билан таништирилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича махсус йўриқдан ўтказилаётир. Шунингдек, уларнинг бандлигини ҳамда иш жойларидаги муқимлигини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилиб, доимий мониторинг олиб борилмоқда. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасаларда квоталанган иш ўринларига меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган фуқароларни ишга жойлаштириш масалалари ҳал этилмоқда.

Ўтган йил давомида касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчи меҳнаткашларни касаба уюшмаларига жалб этиш йўналишида салмоқли натижаларга эришди. Бунинг самараси ўлароқ, юқорида келтириб ўтилган имтиёзлардан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали нодавлат секторда фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Давра суҳбатида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ижтимоий шерикликни амалга ошириш шакллари, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, ижтимоий шериклик соҳасидаги низоларни ҳал этиш тартиби, маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки каби масалалар муҳокама этилди. Ижтимоий шериклик, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича фикр ва мулоҳазалар алмашилди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ахборот алмашиш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг ривожланиб бориши, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг мустаҳкамланиши, фуқаролик жамияти институтларининг таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини янада ошириш имконини бериши қайд этилди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаши шубҳасиздир.



***А. ТЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори:***

— Парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ижтимоий йўналишдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат грантлари ажратиб келинмоқда. Масалан, 2010-2014 йиллар давомида нодавлат нотижорат ташкилотлари учун 980 дан ортиқ давлат гранти лойиҳалари молиялаштирилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик каби бандлик соҳасиға дахлдор йўналишлар шулар жумласидандир. Бандлик масаласидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаганимизда, албатта, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногирон қатламларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йил бошидан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунга кўра 50 га яқин давлат органларига, ҳудудлардаги вилоят ҳокимликларига ижтимоий шериклик соҳасида давлат буюртмалари беришга оид мурожаат хатлари жўнатилди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда жамоат фондига давлат бюджети ҳисобидан 10 млрд. сўм маблағ ажратилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларда ҳам ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилиб, маҳаллий бюджетлардан ҳам қўшимча маблағлар жалб этилади. Шу тариқа ижтимой лойиҳаларни рағбатлантириш янги босқичга кўтарилмоқда.



***Харри ТАЛИГА, Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти:***

— Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассислари ижтимоий шериклик тамойилларини амалиётга татбиқ этмай туриб, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини ташкил қилишнинг имкони йўқ деб ҳисоблайди. Зеро, ижтимоий шериклик муносиб меҳнатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шу маънода, Ўзбекистонда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган амалдаги ижтимоий шериклик мамлакатда муносиб меҳнат шароитларининг самарали яратилиши имкониятларини кенгайтиргани таҳсинга лойиқ.

Халқаро меҳнат ташкилоти инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини жамиятдаги бир қатор ижобий тенденциялар билан изоҳлайди. Жумладан, меҳнат инсоннинг қадр-қимматини белгиловчи асосий омил, оилаларнинг мустаҳкамлиги, жамиятнинг барқарорлиги, тўкин ҳаёт гаровидир. Меҳнат муносабатларида янги иш ўринлари яратилишининг доимийлиги, меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, ижтимоий ҳимоянинг доимий равишда ўсиб бориши, ижтимоий шериклик тамойилларини чуқурлаштириш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда юқоридаги масалалар бўйича доимий ривожланиш жараёни кечаётгани, изланишлар олиб борилаётгани айни муддаодир. Хусусан, мамлакатингизда ҳар йили янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, унда ҳудудларнинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ акс эттирилади. Тадбиркорлик, оилавий бизнес, кичик бизнес субъектларига турли имтиёзлар бериш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилаётганидан хабаримиз бор.

Меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланганлиги жиҳатидан ҳам Ўзбекистон ХМТ назарида яхши кўрсаткичларга эришган. Жумладан, мамлакатингиз Меҳнат Кодекси ушбу муносабатларнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Кодекс талабларини амалиётга татбиқ қилиш касаба уюшмалари, давлат ҳуқуқ-тартибот органларининг доимий назоратида. Касаба уюшмалари ходимлар манфаатини меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш, ижтимоий мулоқот ва музокаралар олиб бориш орқали ифодалаб келмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя масаласида ўзига хос тизим шаклланганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, нафақа ва пенсиялар, фуқароларнинг дам олиш, соғлиғини тиклаш, бепул даволаниш ҳуқуқи доирасида олиб борилаётган ишлар катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг йилдан-йилга ошириб борилаётгани ҳам халқаро экспертлар назаридан четда қолмайди. Айниқса, Президент Ислом Каримов томонидан 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани, фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига санаторийларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул даволаниш имкони яратилгани, уларга яна бошқа имтиёзлар бериш назарда тутилаётгани бирор мамлакатда учрамайдиган ижтимоий ҳимоя шаклидир.

Ижтимоий шериклик тамойиллари Ўзбекистонда анчадан буён амал қилиб келаётгани ҳам барчамизга маълум. Жумладан, ННТлар ташаббусларини қўллаб-қувватловчи парламент комиссиясининг фаолият олиб бориши, ҳар йили давлат томонидан ННТларнинг турли лойиҳалари учун маблағлар ажратилаётгани қувонарли. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Касаба уюшмалари, Савдо-саноат палатаси ўртасида маълум муддатларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувнинг имзолангани, унинг доирасида амалга оширилаётган ишлар ижтимоий шерикликнинг яққол мисоли бўла олади.

Ўтган йил охирида тасдиқланиб, жорий йилдан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик алоқаларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, ижтимоий масалаларни ҳамкорлик асосида ҳал этиш имкониятини янада кенгайтиргани аҳамиятлидир.

***Ўткир ШУКУРОВ, "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши раиси ўринбосари:***

— Маълумки, замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябр куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуни, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йил 29 августида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида тўлақонли акс этган.

Ташкилотимиз томонидан ёшлар бандлигига кўмаклашиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. "Камолот" ЁИҲ тизимида ташкил этилган "Ёш тадбиркор" консултатив марказлари томонидан ўтган йил давомида 82 минг нафар ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш бўйича маслаҳатлар берилди. Республиканинг 1 391 та касб-ҳунар коллежида 289 115 нафар мактаб битирувчисини қамраб олган ҳолда "Мутахассислик — сенинг келажагинг" таълим кўргазмаси, барча ҳудудларда 169 минг нафардан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, 96,5 минг нафар умумтаълим мактаблари битирувчиларини қамраб олган "Таълим ва мутахассислик" кўргазмалари ташкил этилди. Бундан ташқари, "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳаси доирасида 2 мингга яқин ёшлар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилиб, тадбиркорлик соҳасида билим ва тажрибалари оширилди.

***Содиқ БОЙМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ бош инспектори:***

— "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунда ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турлари қайд этилган бўлиб, унга кўра қатор имтиёзлар назарда тутилган. Таъкидлаш жоиз, юридик шахсларга Солиқ кодексининг 22 та моддасида, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг 215 дан зиёд фармон ва қарорларида солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилган. Хусусан, 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига юртимизда 50 мингдан ортиқ юридик шахслар солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, фаолият олиб боришаяпти.

Бандлик соҳасида Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари асосида кўплаб солиқ имтиёзлари жорий этилган. Шунингдек, жорий йилнинг январидан бошлаб, хусусий, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган санадан бошлаб, деярли икки ой давомида қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадалидан озод этиш имтиёзлари жорий этилди. Бу эса тадбиркор учун фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш, молиявий барқарорликни таъминлаш имконини яратади. Бундан ташқари, жорий йилдан бошлаб Солиқ кодексига киритилган ўзгартишга мувофиқ, ёшлар касб-ҳунар коллежини битирган вақтидан бошлаб бир йил мобайнида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтадиган бўлса, олти ой давомида қатъий белгиланган солиқ тўловидан озод этилади. Бу каби имтиёз ва имкониятлар янги иш ўринлари ташкил этилишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.



***А. ИКРОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари:***

— Янги иш ўринларини яратишда тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёз ва қулайликлар яратиш муҳим ўрин тутади. Зеро, ривожланган давлатларнинг замонавий иқтисодиёти асосини, аввало, тадбиркорлик субъектлари ташкил қилаётгани ҳаммага маълум. Шу маънода, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси 26500 дан ортиқ тадбиркорлик субъектини ихтиёрий асосда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади. Биз, аввало, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиб, мавжуд муаммолар ечимини топишга кўмаклашамиз.

Палата Касаба уюшмалари Федерацияси, "Камолот" ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, "Ишбилармон аёллар" ассоциацияси, "Шарқ аёли" фонди каби қатор ННТлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳамкорларимиз тадбиркорларга маслаҳат хизматларини кўрсатиш, ҳуқуқий ҳимоялаш, фуқарога ўз бизнесини ташкил қилиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, замонавий технологияларни харид қилиш, хорижий шерикларни излаш ва ўз маҳсулотини экспорт қилиш масалаларида бизга елкадош бўлмоқда. Шунингдек, палата коллеж битирувчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиш, уларга ўз бизнес режаларини тузиш ва амалга оширишда ёрдам беради. Жумладан, ўтган йили ташкил қилинган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловининг якуний босқичида турли вилоятлардан 140 нафар битирувчи иштирок этиб, уларнинг 29 нафари имтиёзли кредит олиш учун сертификат билан тақдирланди.

***

Тадбир жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Тошкент Давлат юридик университети ҳамкорлигида ташкил этилган юридик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Меҳнат ҳуқуқи билимдони" мақолалар танлови ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

***Одинабону АБДУҚАҲХОРОВА, Тошкент Давлат юридик университети магистранти:***

— Университетимизда меҳнат қонунчилиги бўйича таълим беришга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи кафедраси профессор-ўқитувчилари талабаларга меҳнат муносабатларини тартибга солиш, халқаро меҳнат ҳуқуқи, меҳнат низоларини ҳал этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари каби фанлардан таълим берадилар. Умуман олганда, меҳнат муносабатларига доир бакалавр йўналишида тўртта, магистратура йўналишида иккита фан ўқитилади. "Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомига доир" сарлавҳаси остидаги мақолам университет томонидан нашр қилинган "Меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришнинг истиқболлари" номли қўлланмада чоп этилди. Мақолам мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, касаба уюшмалари ўтказган танловнинг "Касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир энг яхши мақола" номинацияси бўйича диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирландим.

Ушбу рағбат соҳага оид изланишларимни янада ривожлантиришга хизмат қилади деб ҳисоблайман. Ҳозир тайёрлаётган магистрлик ишим ҳам айнан меҳнат муносабатлари соҳасига йўналтирилган. Ишни тайёрлаш жараёнида касаба уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилаяпман. Касаба уюшмаларининг соҳага оид фаолияти магистрлик ишимнинг асосини ташкил этади.

***

Давра суҳбати якунида ҳамкор ташкилотлар ўртасида ижтимоий шериклик механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари.**
**Акмал ТОШЕВ, Улуғбек ИБОДИНОВ, "Ishonch" мухбирлари.**
**"Ishonch" фотомухбири Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**



**ФАКТ** ► **Ўтган йилда ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилган коллеж битирувчиларига қарийб 200 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.**

**▼ Ким эдигу ким бўлдик?!**

***Сухор қишлоғи. Когон туманидаги бу тарихий жой кўпчиликка таниш. Боиси, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Саййид Амир Кулол шу гўшада яшаган ва мангу қўним топган. Собиқ шўролар даврида харобага айланиб, ташландиқ ҳолга келган бу қадамжо мустақиллик шарофати билан обод масканга айланди. Зиёратга келувчиларнинг эса кети узилмайди.***

# ҲАМ ФИКР, ҲАМ ШУКУР

73 ёшни қаршилаган Бақо Турсунов (суратда чапда) биз юқорида тилга олган икки хил манзаранинг бевосита гувоҳи. Муборак зиёратгоҳдан унчалик узоқ бўлмаган ҳовлиларнинг бирида яшайди. У сардорлик қилаётган оилани маҳаллага ибрат қилиб кўрсатишади, улардан ўрнак олишади. Бақо бобо мутахассислиги бўйича олий маълумотли ветеринар. Ҳаёт йўли эса таассуротларга бой. Раҳматли турмуш ўртоғи Назира опа Саидмуродова ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси эди. Уч қизу икки ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Барчаси турли соҳалар бўйича олий маълумотга эга бўлди.

Бақо бобо ёшларга берилаётган ғамхўрликлар, қулай шарт-шароитларни кўриб, ич-ичидан қувонади. Невараларига ёшлик йилларида бошидан кечирган азоб-уқубатларни гапириб, уларни дориламон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

— Ўқувчилик йилларимиз шу қишлоқдаги кўримсиз, пастқам, синф хоналари полсиз нимқоронғу мактабда ўтган. Йўлларимиз ёзда чанг, қишда лой бўлиб, минг бир азоб билан ўқишга қатнардик. Узоқ қишлоқлардан қатнайдиган болалар шароити оғирлигидан дарс қолдирaверарди, турли касалликларга чалинарди. Спорт майдончалари, заллари қаёқда дейсиз, — дея ўтган кунларни ёдга олди Бақо бобо тумандаги 5-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган "Уч авлод учрашуви"да. — У қийинчиликларни сизлар тасаввур ҳам қила олмайсиз. Чунки сизларнинг чуқур билим олишингиз, спорт билан шуғулланишингиз учун барча қулайликлар яратилган.

Бақо бобо ёшларга меҳнат фаолияти тўғрисида ҳам гапириб берди. У 7-синфни тугатиб, қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Бу ердан зоотехник мутахассислигини эгаллаб, совхозда иш бошлади. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги институтини битирди ва хўжаликда бош ветеринария врачи, совхоз директори лавозимларида ишлади.



Афсуски, ўша даврларда оддий деҳқон ёки механизатор у ёқда турсин, ҳатто хўжалик раҳбари ҳам мустақил, эркин фаолият юритолмаган. Фақат юқоридан бериладиган буйруқларни бажариш билан банд бўлган. Одамларнинг турмуш даражаси ниҳоятда паст — қишлоқларда томи шифер билан қопланган биронта хонадон ёки уйида шахсий ҳаммоми бўлган оила топилмаган. Бақо Турсунов хўжаликда марказлашган ҳаммом қуришга рухсат олиш учун 4-5 йил идорама-идора югурган. Ёки хўжалик ҳудудида битта янги мактаб қуриш учун узоқ йиллар елиб-югуриш кутилган натижани бермаган. Бу орзу мустақилликдан сўнггина амалга ошди.

Истиқлол йилларида халқимизнинг ҳаёт тарзи юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кескин гўзаллашди. Қишлоқ жойларда ерлар ҳақиқий эгалари — фермерлар қўлига ўтди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кескин кўпайди. Президентимизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Намунавий уй-жойлар сони йил сайин кўпайиб, уларданги шарт-шароитлар хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Ҳар хонадонда Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомашиналарни кўриш мумкин. Ёшлар учун яратилган шарт-шароитларни, берилаётган имтиёзларни айтмайсизми.

Мана, бир неча йилдирки Бақо Турсунов Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Когон туман бўлимини бошқариб келаяпти. У ҳамиша кексаларимиз ҳолидан хабардор. Айниқса, туманда яшаётган 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг ғамхўри ва кўмакдоши бўлаяпти. Байрамларда уларни совға-салом билан йўқлаб туради. Тўймаъракаларнинг тўрига таклиф этади. Мамлакатимизнинг обод ва кўркам шаҳарларига, тарихий жойларига, зиёратгоҳларига саёҳатлар ташкил этиб, бир пиёла чой устида ширин суҳбатларини тинглайди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

***САВОЛ: Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман. Бунинг учун тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтишим керак экан. Тегишли ҳужжатларни интернет тармоғи орқали тақдим этишим, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиш жараёнини интернет тармоғи орқали амалга оширишим мумкинми?***

**С.ОЛИМОВ,**
**Самарқанд тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек, рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом" билан белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли қарори билан мазкур Низомга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ҳамда унда тадбиркорлик субъектини электрон тарзда давлат рўйхатидан ўтказиш механизми белгиланди.

Шунингдек, мазкур механизмнинг ҳуқуқий асоси шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомда (рўйхат рақами 2580, 2014 йил 5 май) ҳам белгиланган. Унда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун ҳужжатларни топшириш ариза берувчи томонидан ўз яшаш жойидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига келган ҳолда, почта алоқаси воситасида, шу билан бирга, Интернет тармоғи орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилди.

**Саволга Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи**
**О.ФАЙЗИЕВ жавоб берди**

**▼ Интенсив боғлар — тўкинлик манбаи**



***Бахмал туманида интенсив боғ яратишга йил сайин катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳозиргача икки юз гектардан зиёд майдонда ана шундай боғ ташкил этилган. Жорий йилда уни яна 104 гектарга кенгайтириш режалаштирилган.***

# БАХМАЛНИНГ ЯНА БИР БОЙЛИГИ

Туманда жами 3760 гектар боғ, 747 гектар токзор бўлиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётир.

Бундан тўрт йил аввал "Ойқор" қишлоғида "Agro natural invest" МЧЖ шаклидаги агрофирма ташкил этилиб, 8 гектар майдонга "Жереми", "Фуджи", "Голден Эйпл", "Пинкледи" каби олти турдаги пакана навли 23 минг туп олма кўчати 2х4 схемада экилди. 2012 йили 30 тонна ҳосил олинган бўлса, 2013 йили 110 тонна, ўтган йили эса 200 тонна олма йиғиштириб олинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўчатлар тўртинчи йили тўлиқ кучга киради. Ана шунда ҳар гектар ердан 50-70 тоннагача ҳосил олиш имкони бўлади. Бу ҳар туп ниҳол 20-30 кг.дан мева беради деганидир. Ўн беш йил давомида ана шундай сермева дарахт ҳосилидан бемалол баҳраманд бўлиш мумкин экан.

Серҳосил шох синиб кетмаслиги учун дарахтлар симбоғозларга бириктирилган. Туманнинг лалмикор ҳудудларида боғни томчилатиб суғориш ғоят аҳамиятли.

Интенсив боғни суғориш учун артезиан қудуғидан сув олиниб, қирқ тонналик идишларда тинитилади. Идишдаги сув суғориш тизимига ўтказилгунича зарур кимёвий ўғитлар билан бойитилади, филтрланади. Ниҳоллар ҳар икки кунда бир бор суғорилади. Томчилатиб суғориш ишларининг бари компютер орқали бажарилади.

Боғ устидаги тўр қопламаси мевани қуёш тафтидан, ёмғир ва дўл каби табиат хуружларидан асрайди.

Ўтган йилнинг 6 июнида Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтган эди. Унда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган натижалар алоҳида тилга олинди.

Интенсив боғ юқори ҳосилдорлиги, меваларининг сифати билан бугунги кун талабига тўла жавоб беради. Айниқса, бахмалликлар "пакана ниҳол"нинг ғоят иқлимбоп дарахтлар эканига амин бўлишди.

Биргина ойқорлик тадбиркорлар шуни эътиборга олиб, яна ўн гектар ерга беш турдаги пакана навли гилос кўчати экишни режа қилишган.

Бахмалликлар шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли халқимиз дастурхонини сархил мевалар билан тўлдириш баробарида олис қишлоқ одамларини доимий иш ўрни билан таъминлаш имкониятини ҳам яратишди.

Ҳўл меваларни сифатли ва мўл-кўл қилиб етиштирибгина қолмай, уни қиш фаслида ҳам худди ёздагидек эл дастурхонига тортиқ қилиш муҳим. Булар ҳам пухта ўйлаб қўйилган. Яъни, туманда 350 тонналик сиғимли совитгич қурилмаси ишлаб турибди.

Бахмалликлар бу каби улкан имкониятлар истиқлол шарофати билан юзага келганлигини доимо ҳис қилиб яшайди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**▼ Мулоҳаза**

***Дунё бўйича бизнинг давлатимизчалик таълимга эътибор қаратган мамлакат бўлмаса керак. Ҳатто ривожланган ўлкаларда ҳам одамлар таълим олиш учун анчагина маблағ сарфлашига тўғри келади. Улар бизнинг бепул таълим тизимимиз ҳақида эшитиб, фақатгина ҳавас билан қарашмоқда.***

# КАСБ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

Ҳар бир инсоннинг ўз қизиқиши бўйича касб танлаши ҳаётдаги энг тўғри қарордир. Умумтаълим мактабларининг битирувчилари айни вақтда қайси коллеж ёхуд академик лицейда таҳсилни давом эттиришни белгилаб бўлишди. Шу ўринда уларнинг бу қарорлари қанчалик тўғри эканлигини таҳлил этиш ўринли.

Касб танлашга йўналтиришда умумтаълим мактабларида синф раҳбари, психолог ҳамда профоритаторнинг ҳамкорлиги муҳим. Чунки ўғил-қизларимиз ўз қизиқишига кўра келгуси ҳаётни белгилашса, мазкур учлик ёшларнинг билими, лаёқати, соғлиги ва бошқа хусусиятларини ҳам инобатга олади.



Шу ўринда бир ҳаётий мисолга эътибор қаратсак. Беш йилча тикувчилик билан шуғулланган танишим касбини ўзгартирмоқчи эканлигини айтиб қолди. Сабаби билан қизиқсам, "Ёшлигимдан аллергияга мойиллигим бор эди. Бироқ касб-ҳунар коллежига ўқишга кираётганимда буни ҳисобга олмабман. Энди бошқа соҳада ўқиб, янгитдан ҳунар эгаллашим керак", дейди. Бу сабаб аввалроқ эсга олинганда, у ҳам соғлиғидан, ҳам бебаҳо вақтидан мосуво бўлмасди. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан касб ҳақида кўп суҳбатлашамиз. Уларнинг нима учун айнан шу касбни танламоқчилиги билан қизиқамиз. Ҳар бирининг орзуси бир дунё. Йиллар ўтиб бу мақсадлар ўз кучида қолгани ёки бутунлай ўзгариб кетганлигини ҳам кузатиб борамиз.

Кўпчилик болаларнинг ўқитувчилик ёки шифокорликка қизиқиши табиий бўлса керак. Чунки улар деярли ҳар куни ўқитувчилар билан мулоқот олиб боради (хасталанганда эса ширинсўз докторлар). Агар кўнглига яқин ўқитувчига учраса, унинг касбига ҳам ҳурмат билан қарайди. У ўқитувчи касбига эмас, айнан ўқитувчи шахсига ўхшагиси келади. Оқ-қорани танигач, ўзи қизиққан касбни аниқлаб олади. Уларнинг қобилиятини ўзига англатиш керак, яъни айрим ўқувчилар ўзининг иқтидорини яхши англамайди.

Ҳар доим ҳам орзу ва амал бир хил бўлмайди. Айрим ота-оналар билан суҳбатлашганимизда, фарзандининг танлаган касбини муҳокама қилиб, ўзлари йўналиш беришини айтишади. Боласининг қизиқиши реал ҳаёт билан мутаносиб эмаслигини ҳам таъкидлашади. Эмишки, орзу билан қоринни тўйдириб бўлмас экан. «Ўқишини битиргач, қаердан иш топиб берaман унга?», — дейишади. Ўзи қизиққан соҳани танласа, иш топиб беришнинг ҳожати қолмаслигини тушунтириш ҳам унчалик осон эмас. Қиз боланинг ўйлаб-ўйлаб соҳа танлаши кераклиги, жамиятда ҳам, оиласида ҳам муносиб ўрин эгаллаши учун ҳар қандай касбнинг бошини тутиб кетиши тўғри эмаслиги уқтирилади.

Қаердадир эшитгандик, хорижий мамлакатларнинг бирида касб танлаш ихтиёри болага бир ёшга кирган куниданоқ берилармиш. Унинг туғилган кунида атрофига турли касбларни англатувчи ўйинчоқларни териб қўйишар, у биринчи бўлиб қайсига қўл узатса, тарбиянинг бор моҳияти айни шу касбга йўналтирилар экан.

Балки биз ҳам болаларимизга шундай шароитни яратиб берганимиз, улар қайси ёшда бўлишидан қатъи назар танлаган ўйинчоқларининг «сири»га ишонганимиз маъқулмикан?

**Нилуфар ОЙМАТОВА,**
**Дилдора ОЙМАТОВА,**
**коллеж ўқитувчилари**

Реклама ва эълонлар

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объектлар номи:
**ЛОТ 1.**
ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти, Сўх тумани Охунбобоев ҚФЙ, Ленбур қишлоғидаги Шўрбулоқ сел оқимлари йўлини реконструкция қилиш ишлари (2-босқич)".
*Бошланғич нархи* **129 271 140 сўм ҚҚС билан; 107 725 950 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти Сўх тумани Ҳушёр ҚФЙ Ҳушёр қишлоғидаги Себеда сел оқимлари йўлини реконструкция қилиш ишлари (2-босқич)".
*Бошланғич нархи* **816 438 036 сўм ҚҚС билан; 680 365 030 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати: 01.08.2015 йил.
Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37 уй, тел:(0 595) -401-52-01.402-52-05.
Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

***Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади, 500 млн. сўмгача-фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37 уй, телефон/факс: 0 373-244-55-32,+998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

**▼ Солиқ ва ҳаёт**

***Солиқ сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишларида ўтган йилларда бўлгани каби тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига солиқ юкини янада камайтириш ҳамда солиқ солиш механизмини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Бу Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топди.

Эндиги тартибларга кўра янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятини бошлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этишни рағбатлантириш назарда тутилади. Хусусан, Солиқ кодексининг 311- ва 375-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан суғурта бадаллари ва қатъий белгиланган солиқни тўлаш улар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб (25-санага қадар) амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бунгача якка тартибдаги тадбиркорлар ойнинг қайси санасида давлат рўйхатидан ўтганидан қатъи назар (ойнинг 20-куни ёки 30-куни) шу ой учун суғурта бадали ва қатъий белгиланган солиқни тўлар эди.

Шунингдек, кодекснинг 375-моддасига киритилган ўзгартишлар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириши учун катта имкониятлар яратди. Яъни, эндиликда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилди.

Агар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолиятларини тугатган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб сартарошлик, маникюр, педикюр, косметолог каби хизматлар кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари фаолиятни амалга оширилган жойига қараб 2014 йилга нисбатан ЭКИҲнинг 0,5 бараварига пасайтирилди.

Албатта, жорий этилаётган бундай ҳуқуқий меъёрлар жисмоний шахсларнинг қонуний асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитларни яратади.

**Азимжон ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

**ФАКТ ▸** **2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Полша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.**

## 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

**Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди.**

# ФАХРИЙЛАР ХИЗМАТИДА



Давлатимиз раҳбарининг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиб, уларга йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди.

Жойларда бу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, Нуробод туманида истиқомат қилаётган 341 нафар уруш ва меҳнат фахрийси рўйхати тузилди. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб улуш қўшган, айни пайтда ҳам бутун куч ва имкониятларини сафарбар этаётган кекса авлод вакиллари саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилаётир.

— Юртимизда инсон қадр-қиммати юксак, унинг манфаати устувор эканлигини ҳар лаҳзада ҳис этиб турибмиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси Нуробод туман бўлими раиси Абдураҳмон Шарипов. — Шу кунларда туманимиз ҳокими йўлланмаси билан ҳудуддаги касаба уюшмаларига қарашли Абу Али ибн Сино номли санаторийда саломатлигимни мустаҳкамлаяпман. Бу ерда фахрийлар учун 3 та хона махсус жиҳозланиб, барча коммуникация воситалари, душ, алоҳида интенсив терапия учун шарт-шароит яратиб берилган.

— Касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳлар қаторида бизнинг сиҳатгоҳимиз ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилган, — дейди санаторий директори Алишер Қаршиев. — Замонавий даволаш ускуналари харид қилинди. Яъни, дам олувчилар талабига тўла мос келадиган шароитга эгамиз. Айниқса, нуронийларимиз учун алоҳида тараддуд кўрилди. Ошхонада кексаларнинг буюртмасига биноан турли хилдаги таомларни тайёрлаш имконияти яратилди. Улар хоналардаги телефон орқали буюртма бериши, хоҳлаган мавзуларда эмин-эркин гаплашиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, санаторийда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келувчи кексаларни кутиб олиш, даволаш ва дам олдириш ишлари кўнгилдагидек ташкил этилган.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**"Ishonch" мухбири**

## Қадриятларимиз

# ДУНЁ КЕЗАЁТГАН БЕШИКЛАР

***Ўзбекона одатимиз шу: уйимизда бешик асраймиз. Болаларимиз улғайса-да, бешик тўрдан тушмайди. Чунки, бешик қалбимизда умид уйғотади, келажакка ишончимизни мустаҳкамлайди. Қолаверса, бешиги бор уйда хосият бўлади, яхшилик яхшиликка эргашиб келаверади. Бешигида «беги» бўлган хонадонга ғийбат ораламайди. Шу боис ижод аҳли бешик тебратган аёлни ҳаёт фариштаси тимсолида тасвирлайди.***

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига қарасак, бешикка шундай таъриф берилган: *чақалоқни белаб, тебратиб ухлатиш учун ясалган тўрт оёқли махсус мослама.* Сиртдан қараганда, бу жўнгина таърифдек туюлади. Бироқ халқимизнинг ўзидек узоқ йиллик тарихга эга бешик билан боғлиқ ўлмас анъаналар, урф-одат ва расм-русумларнинг ҳалигача ўз қадрини йўқотмаганлиги таҳсинга лойиқ.

### Тарихга назар

Бешик тарихига оид илк маълумотни Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» асарида учратиш мумкин. Боланинг таги қуруқ бўлишини таъминловчи сумак ва тувак эса фақат Марказий Осиё халқларига хос. Бу ҳам аслида, халқимизнинг бой маънавияти ва кенг тафаккуридан дарак беради.

Лекин қилдан қийиқ ахтарадиганлар ҳам йўқ эмас бу дунёда. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида психолог Штилерман инсоннинг ақлий қобилияти ва зеҳний ривожланиши устида тадқиқот ўтказиб, ўзбек болаларини бошқа миллат вакилларига нисбатан ақлан заиф деган фикрни илгари сурганлигига нима дейсиз?! Ўзининг бу «ихтиро»сига у бешикни сабаб қилиб кўрсатгани эса ҳеч бир ақлга сиғмайди.

Маънавиятимизга қарши қўйилган бу каби алжирашлар илмийликдан қанчалар йироқлигини зўр бериб исботлаш ҳам шарт эмас. Акс ҳолда, оз бўлса-да ҳақиқат бўлганида, ўзбеклардан жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Улуғбек ва Берунийдай алломалар етишиб чиқармиди?! Ахир Ал-Хоразмий, Амир Темур, Алишер Навоий ва кўплаб буюк зотлар ҳам бешикда камолга етишган-ку. Қани энди, айтинг-чи, жаҳонни лол қолдирган фан ва маданият дурдоналарига она заминимиз бешиклик қилганлигини ким инкор эта олади?!

### Янги меҳмон муборак!

Ўзбек хонадонида интизорлик билан кутилган ва ҳаммага хурсандчилик улашган жажжигина чақалоқнинг дунёга келиши, ўз навбатида, нафақат ёш ота-она, балки барчанинг зиммасига жиддий масъулият юклайди. Бобо-ю бувилардан тортиб амаки-ю амма, тоға-ю холаларни-да ҳушёр тортдиради. Қариндошлар митти жиянчалари олдида алоҳида қарздорлик ҳис қилиб, бешик тўйи тараддудига тушиб қолишади. Бу каби маросимларнинг ҳам ўзига хос гашти бўлади-да!

Фарзанд кўрган ёш ота-онанинг хаёлидан шундай савол ўтиши табиий: бешикми, памперсми?! Қайсидир маънода илк табиий памперс — бешикни ота-боболаримиз ўйлаб топишган десак, сира муболағаси йўқ. Сабаби, бешикда боланинг таги ҳамиша қуруқ ва озода туради. Қолаверса, бешик қовузи ҳавони яхши ўтказади, намни тез шимиб олади ва осон қурийди. Шунинг учун янги меҳмонни маънан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказишда онажону қайноналар кўрсатмаларига суяниш фойдадан холи эмас. Зеро, уларнинг бу борада берган қимматли маслаҳатлари ҳеч қачон панд бермаган. Чунки аждодларимиз ҳамиша бола парваришида бешикка таяниб келишган.

Чақалоқ туғилиши билан табаррук бувижонларимиз бешик харид қилиш учун бозорга отланишади. Ўша лаҳзада онахонларнинг юзидаги бахтиёрликни бир кўрсангиз эди! Улар яхши билишади: бешик олганда савдолашилмайди. Сотувчи ҳунарманднинг айтгани айтган. Бир нечта ясалган бешиклар орасидан жажжигина невараси учун энг сифатли — тут дарахтидан ясалган бешик танланади. Чунки бундай бешик ёғочига қурт тушмайди. Яна айтишларича, тут — қут-барака рамзидир. Боланинг-да тутдай узоқ умр кўриши, бахосият меваси янглиғ тотли ҳаёт кечириши учун ҳам рамзий маънода халқимиз шундай йўл тутарди. Кайвони бувиларимиз бешикнинг устига ёпиладиган ёпинчиқ ва қолган анжомларни ҳам табиий матолардан тикилганлигига эътибор беришида ҳам катта ҳикмат бор. Бу «ўригидан данаги ширин» деб аталмиш неварасининг соғлом бўлиб камолга етишишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини қалбан ҳис қилиб, қўша-қўша фарзандларини бешикка белаб ўстириб, элга қўшган бувижонларнинг ҳаётий тажрибаси...



### Болажонимнинг боласи...

«Эгалари кирсин, бўбўлари чиқсин». Қайнона ойимнинг ҳар гал тўнғич фарзандимни бешикка ётқизаётган пайтларида айтган гаплари ҳали-ҳануз қулоғим тагида жаранглайди. Болани бешикка белаш чоғи «Болажонимнинг боласи, қанддек ўрик донаси» дея эркалаб, қўл-оёқларини оҳистагина, шошмасдан махсус боғичлар билан боғлаб, устига енгил ёпинчиғини ёпиб, алла айтардилар... Қизалоғим эса бешикнинг оҳиста тебраниши, бувижонисининг алласига «маст» бўлиб бир зумда ухлаб қоларди. Яхшиям бешик бор-а?!

Хўш, унинг афзалликлари нималардан иборат?

Бешикда ухлаган чақалоқнинг усти сурп ёки дока билан ёпиқ бўлгани боис, турли ҳашаротлар безовта қилмайди. Бешикда ётган бола унинг рангли безакларига қараб овунади ва гўдак қалбидан ранглар жилосининг жозибаси ўрин олади.

Яна бир қулай жиҳати, бешикда болани овутиш ва ухлатиш осон, таги ҳамма вақт қуруқ тургани учун кечқурун тинч ётади.

Энг асосийси, қовузда ётган боланинг умуртқа суяклари текис бўлади. Чақалоқ ётганда юзтубан ўгирилиб қолмайди. Қўли билан юз-кўзини тилиб, жароҳатламайди, бармоғини оғзига солиб сўрмайди. Бешикнинг ҳарорат мўътадиллигини сақлаб, чақалоқнинг исиб ёки совуқ қотишига йўл қўймаслигини айтмайсизми?!

— Янги туғилган фарзандларимни қўлимга олишга қўрқардим. Чунки улар жудаям нозик ва нимжон бўлади-да, — дейди ҳунарманд Маъмуржон Убайдуллаев. — Тўнғич фарзандим бошида босим билан туғилганлиги сабабли бешикка белолмагандик. Вақт ўтиб, 2-3 ёшида оёғи қийшиқ ўсганлигини билдик. Жуда кўп тиббий муолажаларни бошдан кечиришга тўғри келди. Иккинчи ўғлимни бешикда катта қилдик. Унинг кўп афзалликларга эга эканига янада ишонч ҳосил қилдик.

Узоқ тарихга эга бўлган бешикнинг афзалликларини санаб адоғига етиш қийин. Миллий ҳунармандчилигимизнинг нодир дурдонаси бўлган бешигимиз бошқа давлатларда ўз харидорларини топаётгани ҳам бежиз эмас.

### Зумрад момо ҳикояси:

— Бешикчилар хонадонига келин бўлиб тушганман. Ўзим бешикчилар сулоласининг олтинчи авлод вакили бўлсам, ўғлим Мурoджон еттинчи авлод ҳисобланади. Худога шукур, ҳар ойда 50-60 та бешик ясаб, халқимизнинг яхши кунига яраяпмиз. Мана неча йиллардан бери минглаб оилаларнинг қувончига шерикмиз. Ахир бешик тебратиб, алла айтишни орзу қилмаган аёл борми?!

Бундан бир неча йил олдин Америкага олти дона бешик чиқарган эдик. Шундан бери уларнинг сони тобора кўпаймоқда. Ҳозирги кунда нафақат Америка, балки Корея билан Араб мамлакатларига ҳам бешикларимиз етиб борди. Хорижликлар учун алоҳида йиғма бешиклар тайёрлаб, устига чармдан ғилоф тикиб, олиб кетишга қулай қилиб қўймоқдамиз.

Шу десангиз, бир куни Ўзбекистонда яшаётган америкаликлар қўлида чақалоғи билан дўконга кириб келди. Тайёрлаб қўйган бешикларимизни кўрсатиб, «бэби» деб сўрашди. Бир бешик ва унга керакли анжомларни сотиб олишди. Қадриятларимизга ҳавасманд америкаликлар фарзандини шу бешикда катта қилишларини айтишди.

Куни кеча эса бир йигит (бошқа миллат вакили) келиб бешикларни кўриб кетди. Эртасига аёлини бошлаб келди. Эътибор берсам, иккаласи ҳам букри экан. Ўзбек аёлининг маслаҳати билан боласини бешикда катта қилишни афзал билибди.

Афзалликлари бир олам бешик ҳақида жуда ҳам кўп гапириш мумкин. Аммо қадр топаётган қадриятларимиз орасида ўз қимматини йўқотмаган бу мўъжазгина гўдаклар кошонаси ҳақида «Бешик боласи — бек бола» деган ҳикматдан ошириб бирор нарса айтиш қийин.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

# ЯНГИ МАДАНИЯТ МАСКАНИ

***Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Наманган вилоятида мавжуд 142 та маданият уйи ва клуб муассасалари базасида 84 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этиш белгиланган.***

Куни кеча шундай марказлардан бир нечтаси фойдаланишга топширилди. Хусусан, Наманган туманининг Қумқўрғон қишлоғидаги муассаса замонавийлиги, барча қулайликларга эгалиги билан эътиборни тортади. Унинг тантанали очилиш маросимида мамлакатимизда бой маданий меросимиз, юксак маънавиятимиз, анъана ва урф-одатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, салкам 450 миллион сўм маблағ эвазига «Стандарт қурилиш таъминоти» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган масканда 300 ўринли томоша зали мавжуд. Эндиликда бу ерда аҳоли, айниқса, ёшларнинг турли мусиқа тўгаракларида шуғулланишларига имконият яратилди.

Шунингдек, Уйчи туманининг Бирлашган қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу масканни мукаммал таъмирлашга қарийб 455 миллион, жиҳозлаш учун эса 63 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

## Истиқлол ғунчалари

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014-йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида Жиззах вилоятининг барча туманларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилиб, чолғу асбоблари ва жиҳозлар билан таъминланмоқда.***

# СОЗГА ҲАМРОЗ ЭТИБ...

Мактабимиз 2010 йили қайта қуриб битказилгандан сўнг ўзбек халқ чолғулари бўлими янада кенгайиб, кўплаб истеъдод эгалари ўқишга қабул қилинди.

Иқтидорли ўқувчилар кўп овозли ўзбек халқ чолғулари ансамбли ва оркестрга жалб этилди. «Наврўз садолари» VI Республика кўп овозли миллий чолғулар ансамбли ва оркестрлар фестивалининг вилоят ҳамда республика босқичларида мактабимиз халқ чолғулари оркестри иштирок этиб, вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади. Республика босқичида диплом соҳиби бўлди.

Битирувчилар келажакда ўз йўналишлари бўйича яхши мутахассис бўлиб етишиб, маданий меросимиз бардавомлигини таъминлашга ҳисса қўшишига ишонамиз.

**М.ТУРДАЛИЕВА,**
**Жиззах туманидаги 8-БМСМ директори ўринбосари**

## Ғаройиб ихтиролар

*Бугунги кунда илм-фан кун эмас, соат сайин ривожланиб бормоқда. Айниқса, ихтирочилар бирбиридан қизиқ, ажабтовур ғояларни рўёбга чиқаришмоқдаки, беихтиёр қойил қоласан киши. Биз қуйида шундай ғаройиб ва ўта керакли айрим ихтироларни эътиборингизга ҳавола этамиз.*




*Велосипед ҳайдовчилари учун қулай рюкзак. Мазкур рюкзакка махсус узатма (датчик)лар ўрнатилган. Велосипед ҳайдовчиси қўлларини рулдан қўйиб юбормасдан, ўнгга ё чапга қайрилаётганини ёки тўхтаб турганини билдириши мумкин.*



*Мукаммал урна. Бу урналар кўчалар тозалиги учун юқори даражада хизмат қилади. Унинг тепасига баскетбол савати ўрнатилган бўлиб, кишилар қизиқиш учун ҳам урнага чиқинди ташлашади.*





*Жомадон-скутер. Мазкур скутерни жомадон шаклида йиғиб, қўлда етаклаб кетиш мумкин. Уловнинг қуввати тугаб қолганда, айниқса асқотади.*



*Қуёш нури ва иссиқлиги ёрдамида ишлайдиган розетка. Электр энергиясини тежашнинг ажойиб йўлларидан бири.*

**Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.**

## ОБ-ҲАВО

31-январ, 1-феврал

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 31-январ, 1-феврал кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда қор ва ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.

| Шаҳар | Кундузи | Кечаси |
|---|---|---|
| Тошкент | +6...+8, +2...+4 | -2...0, -2...0 |
| Нукус | 0...+5, 0...+5 | -10...-5, -10...-5 |
| Урганч | 0...+5, 0...+5 | -10...-5, -10...-5 |
| Бухоро | +5...+10, 0...+5 | -5...0, -5...0 |
| Навоий | +5...+10, 0...+5 | -5...0, -5...0 |
| Қарши | +7...+12, +3...+8 | 0...+5, 0...+5 |
| Термиз | +7...+12, +3...+8 | 0...+5, 0...+5 |
| Самарқанд | +3...+8, +3...+8 | -5...0, -5...0 |
| Жиззах | +3...+8, +3...+8 | -5...0, -5...0 |
| Гулистон | +3...+8, +3...+8 | -5...0, -5...0 |
| Фарғона | 0...+5, 0...+5 | -5...0, -5...0 |
| Наманган | 0...+5, 0...+5 | -5...0, -5...0 |
| Андижон | 0...+5, 0...+5 | -5...0, -5...0 |

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:00
Topshirildi — 22:20

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 115 | 19629 nusxada bosildi | 1 2 3 4 6